Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 118 (5709).
24 МАЙ 1985 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Республика саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳалари ишлаб чиқариш илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга донр ташаббуси меҳнат коллективларида ижодий кўтаринкилик вазиятини вужудга келтирди. Тошкент меҳнаткашлари экономиканинг интенсив ривожланишини таъминлаш, техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тартиб ва уюшқоқликни қарор топтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачёвнинг кўрсатмаларига амалий иш билан жавоб беришга интилиб, бўлажак партия анжуманн шарафига соцналистик мусобақанн кенг авж олдирмоқдалар.

Республика социалистик мусобақаси илғорлари ва Фрунзе районн меҳнаткашларининг ташаббусини Тошкент асбобсозлик заводининг коллективи шаҳримизда биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади.

Коллектив ишлаб чиқаришни янада пухта ташкил этиш, профессионал маҳоратни такомиллаштириш, илғор иш усулларн ва рационализацияни жорий этиш ҳисобига товар маҳсулотн ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш бўйича ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ортиғи билан адо этишга қарор қилди. Асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик план муддатидан илгари — 1985 йил 30 декабрда бажарилади. Мавжуд қувватларда ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Топшириққа қўшимча равишда 80 минг сўмлик товар маҳсулоти тайёрланиб, реализация қилинади. План ва ишлаб чиқариш интизоми ҳар томонлама мустаҳкамланиб, металл қирқувчи ускуналарни етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг юз процент бажарилиши таъминланади. Пландан ташқари 5 минг сўм даромад олинади.

Коллектив партиянинг энг юқори тежамкорликка эришиш учун курашиш ҳақидаги чақирғига амалий иш билан жавоб бериб, йил давомида 5 тонна қора металл, 150 минг киловатт-соат электр энергия, 50 тонна шартли ёқилғини иқтисод қилишга, таннархни эса 0,5 процент камайтиришга аҳд қилди.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, автоматлаштириш ва механизациялаш бўйича тадбирлар комплекси амалга оширилади. 185 минг сўмлик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилади, 10 та янги юқори унумли дастгоҳ ўзлаштирилади. Янги техниканн жорий этиш ҳисобига механизациялашган меҳнатнинг улуши 65 процентга етказилади. Жами 46 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 48 рационализаторлик таклифи киритилади. Олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи 47,7 процентга етказилади.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқининг ҳар томонлама мустаҳкамлаб, Жиззах область Зарбдор районидаги «Ударник» совхозига техникага хизмат кўрсатиш, ускуналар ва қишлоқ хўжалиги техникаси ремонтида актив оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Корхона меҳнаткашлари юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1986 йилнинг 1 квартали планини съезд очиладиган кунгача бажаришга, меҳнат унумдорлигини 6 процент ошириш, тежалган ресурслар ҳисобига бир кун ишлаб беришга аҳд қилдилар.

Коллектив съезд шарафига қабул қилинган мажбуриятларни фақат фидокорона, юқори унумли меҳнат қилиш билан бажариш мумкин эканлигини тушуниб, ўз аҳдини конкрет ишлар билан мустаҳкамламоқда. Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтган зарбдор вахта корхона куч-қувватининг жанговар кўрсаткичларини янада оширишга, қўл меҳнатига барҳам беришга, технологияни жараёнларининг такомиллашувн, асбобларни тайёрлашда қимматбаҳо металлар сарфини камайтиришга қаратилган.

Асбобсозлар социал-иқтисодий ривожлантириш планининг ишчилар маданий-маиший шароитини яхшилашдек бандига муҳим эътибор бермоқдалар. Маъмурий-маиший корпус қурилиши тугалланяпти, цехларда янги вентиляция ўрнатиляпти. Завод территориясида озиқ-овқат, сабзавот магазинлари ишлаб турибди, комплекс қабул пункти очилган. Ишдан сўнг спорт мухлислари ўзларининг «Инструментальшчик» стадионларига XXP шулар жумласидандир. Бу ўз навбатида коллектив зиммасига катта масъулият юклайди. Асбобсозлар шунинг учун ишлаб чиқаришни мунтазам такомиллаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга интилмоқдалар. Завод маҳсулотларининг 47 процентдан знёди фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилади.

КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленумининг партия XXVII съездининг 1986 йил 25 февралда очилиши тўғрисидаги қарорн бригадалар, цехлар ўртасидаги, бутун корхонадаги мусобақага янги омил бағишлади. Аниқ социалистик мажбуриятлар қабул қилинди, меҳнат беллашувининг янги кўринишлари ишлаб чиқилди. Коллективда КПСС XXVII съездинн зарбдор меҳнат билан кутиб олиш, ўзининг бутун маҳорати ва истеъдодини ана шунга сафарбар этиш, «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин» шиорн остида меҳнат қилиш ҳаммасининг бурчн, деб қарор қилинди. Бу ишлаб чиқариш илғорларининг қолоқларга оталиқ қилишлари, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формаларини кенг жорий этиш, иш жойларини аттестациядан ўтказишнинг муҳим ролидан, иқтисодий эксперимептдан ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишда фойдаланиш лозим, деган гап. Технология ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ҳар бир иш жойида тартиб ўрнатиш, ишёқмаслар, дангасалар ва иччиликбозларга қарши муросасиз кураш олиб бориш, коммунистик ахлоқ принципларига қатъий риоя қилиш керак.

Асбобсозлик заводининг энг яхши ишчилари республикамизнинг 18 нафар ишлаб чиқариш илғори ташаббусини биринчи бўлиб қўллаб-қувватлашди ва «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг сафида коммунистлар: II ва III даражали Шуҳрат орденларининг кавалерн, Киров район Советининг депутати силлиқловчи Л. Александров, Киров район партия комитетининг аъзоси, электр обмоткачи И. Файзуллаев, Киров район Советининг депутати, фрезерчи С. Гуломов, резьба силлиқловчи А. Абдулғаффоров ва бошқалар бор.

Новаторлар даъватига «лаббай» деб жавоб берган юзлаб асбобсозлар съезд шарафига юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Улар эришилган марраларни кундалик нормага айлантиришга ҳаракат қиладилар.

Корхона коллективи 1985 йил ва умуман беш йиллик план ҳамда мажбуриятлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида партияга рапорт бериш ҳуқуқи учун курашишни, ўн иккинчи беш йиллик зафарлари учун пухта замин яратиш учун фидокорона меҳнат қилишни шон-шараф иши деб ҳисоблайди.

СУРАТДА: асбобсозлик заводининг бир группа ташаббускорлари (биринчи қатор) резьба силлиқловчи Э. Жабборов, силлиқловчи Р. Гартвик, фрезерчи Э. Азизова, гидросайқалловчи Х. Хўжаев, электр обмоткачи И. Файзуллаев, фрезерчи С. Гуломов; (иккинчи қатор) фрезерчи В. Иброқимов, силлиқловчи Л. Александров, токарь Б. Чаусов, силлиқловчи А. Алексевнин, резьба силлиқловчи А. Абдулғаффоров.

Т. Каримов фотоси.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА — 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

ТАШАББУС ҚУДРАТИ

Асбобсозлик заводининг коллективи Тошкентда биринчилардан бўлиб республика социалистик мусобақаси илғорларининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади



Республика ёшлари — партия съездига

Ўзбекистон йигит ва қизлари мамлакат коммунистлари анжуманига тайёргарликни фидокорона меҳнат, аъло ўқиш, юксак жамоат активлиги билан нишонлашга қарор бердилар. Республика ЛКСМ Марказий Комитетининг 23 май куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу нарса яқдиллик билан айтиб ўтилди.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумн якунларини ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олиш юзасидан Ўзбекистон комсомол ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилган меҳнат вахтаси ишлаб чиқаришнинг ички резервларини сафарбар этиш учун қудратли омил бўлганлиги уқтириб ўтилди.

Сўзга чиққан кишилар топширилган иш учун комсомол ва ёшларнинг юксак масъулиятидан далолат берувчи ижобий мисоллар тўғрисида гапириб, мана шу юксак сиёсий ва меҳнат кайфиятини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга эътиборни жалб этдилар. Республиканинг 15 нафар ёш ишлаб чиқариш илғори — Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик!» шиори остида комсомол ва ёшларнинг партия съездига бериладиган рапортига имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлиш учун социалистик мусобақанн авж олдиришга оид ташаббусини кенг ёйиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Меҳнат мусобақасини бутун чоралар билан ривожлантириб, унинг конкрет йўналишга қаратилишига, ҳар бир комсомол аъзоси, йигит ва қиз ишлаб чиқариш-иқтисодий ва соцнал вазифаларни ҳал этишга шахсий ҳисса қўшиб, коммунистларнинг бўлажак анжуманинн, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини, Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалини меҳнат ютуқлари билан кутиб олишига эришиш зарурлиги таъкидланди.

Пленум жамоат ишлаб чиқаришнн интенсивлаштиришда, унинг самарадорлигини оширишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ёшларнинг актив иштирок этишини асосий йўналиш сифатида ўртага қўйди. Йигит ва қизларни агросаноат комплексини янада ривожлантиришга, мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга сафарбар этиш республика комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси эканлиги айтиб ўтилди. Пленум қатнашчиларн ёш авлодни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни янада яхшилашга, бу ишда расмиятчилик, кўзбўямачилик ва сафсатабозликни бартараф этишга эътиборни қаратдилар.

Сўзга чиққан кишилар ички ликбозлик каби социал иллатларга қарши кураш олиб бориш зарурлигини уқтириб, комсомол активларн алкоголизмга қарши кураш ҳаракатининг ташаббускорлари бўлишлари зарурлигини, ичкиликбозликни тағ-томири билан йўқотишга кўмаклашадиган ёшлар билан ши олиб боришнинг ана шундай формаларини қидириб топиш кераклигини айтиб ўтдилар.

Белгиланган вазифаларни бажариш, дейишди нотиқлар, комсомол ташкилотларининг жанговарлигини янада оширишни, ижодий активликни, ВЛКСМ барча аъзоларининг ташаббусини ривожлантиришни талаб қилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ҳ. А. Шоғазатов нутқ сўзлади. **(ЎзТАГ).**

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГЎЗАЛ БЎЛИШИ УЧУН

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида республика пойтахтини социал-иқтисодий планлаштириш масалалари бўйича кенгаш бўлиб ўтди. Унда район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, партия ва совет ходимлари, шаҳар саноат корхоналари, қурилишлари, жамоатчилик ва бошқа ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари асосида 1986 йилга, ўн иккинчи беш йилликка ва 2010 йилга истиқболли планни шакллантириш бўйича бажариладиган ишлар тўғрисида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари И. Чиргадзе, «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Қобулов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси экономика институтининг директори О. Ҳикматов, «Ташгенплан» илмий-тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари М. Лифановская ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар план комиссияси раисининг ўринбосари Л. Бельковская сўзга чиқдилар.

Сархил сабзавотлар — шаҳарликлар дастурхонига

Бу йилги баҳор инжиқ келди. У қишлоқ меҳнаткашларига кўпгина ташвиш келтирди. Бироқ шунга қарамай улар шаҳарликларни янги сабзавотлар, кўкатлар билан таъминлаш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этдилар. Далаларда мўл ҳосил етиштирилди. Тошкентга келтирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори кун сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги шароитларда етиштирилган ҳосилни ўз вақтида тез ва соз йиғиштириб олиш ва магазин, ошхона, кафе, ресторанларга вақтида етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

«Ташлодооо ш ч» бирлашмасида бўлиб ўтган кенгашда тошкентликларни сабзавот билан таъминлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Унда пойтахт области, Тошкент шаҳрининг партия ва совет органлари вакиллари, савдо ташкилотларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашда «дала — магазин» конвейеридаги ишларни аниқ ташкил этиш, сабзавотни элтиб бериш йўлидаги барча ғовларга барҳам бериш, магазинларга, умумий овқатланиш корхоналарига сабзавот ва кўкатларни ўз вақтида етказиб бериш зарурлигига асосий эътибор қаратилди. Бунда айниқса колхоз, совхозлар ва савдо ташкилотлари раҳбарларининг маслаҳатлашиб биргаликда иш олиб бориши муҳимдир. Дўконларга сифатсиз кўкатлар келтириш ҳоллари эса очиб ташланди. Район улгуржи-чакана савдо идоралари, ошхоналар трестлари, Тошкент райпишчеторг л а р и ишидаги жиддий нуқсонлар кўрсатиб ўтилди.

Зотан, магазинларда хилма-хил сабзавотлар бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд. Бунинг учун резервлардан тўла фойдаланиш лозим. Кенгашда умумий овқатланиш корхоналари раҳбарларининг эътибори овқатлар тайёрлашда сабзавотдан ва ошхона кўкатларидан суст фойдаланилаётганига қаратилди. Бозорларнинг санитария аҳволига жиддий эътибор бериш керак. Чайқовчиликка қатъий барҳам бериш, савдо хизмати маданиятини яхшилаш зарур.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов, Тошкент область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари С. Т. Тошқулов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Н. Колесников қатнашдилар.

МИХАИЛ ШОЛОХОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

УЛКАН СЎЗ УСТАСИ

Бугун Михаил Александрович Шолохов ватани ва мамлакатимизнинг кўплаб бошқа шаҳарларида улкан сўз устаси таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантаналар бошланиб кетди.

Шолохов ўзи туғилиб ўсган қадрдон замин ва диёрини ҳамиша севди ва бўлажак ҳосил тақдири доимо уни ҳаяжонлантириб келди. Ушбу суратда адиб эндиликда М. А. Шолохов давлат музей-қўриқхонасининг директори Николай Александрович Булавин билан Вешенский районидаги ғалла майдонларидан бирини кезиб юрган пайти акс эттирилган.



(М. А. Шолохов давлат музей-қўриқхонаси жойлари ва Н. А. Булавин ҳикояси берилган репортажни газетанинг учинчи саҳифасида ўқийсиз.)

ЁЗУВЧИ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНАДИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон ССР Театр жамияти ва Кинематографчилар союзи Миҳаил Александрович Шолохов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказадилар. Республика кино уйига таниқли сўз усталари, адабиётшунослар, олимлар, маданият арбоблари, шаҳар жамоатчилиги вакиллари йиғиладилар.

Бугун кутубхоналар, маданият саройлари ва уйлари, шунингдек, Тошкентдаги ўқув юртларида М. А. Шолохов юбилейига бағишланган адабий кечалар ва учрашувлар давом этмоқда.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Ўзбексельмаш» заводида кўрак чувийдиган машиналарни йиғиш цехини қайта техникавий жиҳозлаш ишлари бошланди. Бунинг учун «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари механизациялашган конвейерни лойиҳалаб беришган. Бу янги такомиллашган линияда деталлар конвейер усулида етказиб берилади. У синаш ва йиғиш стендлари билан таъминланган.

●

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг кинолекторийси биносида химия саноати меҳнатчилари, олимларни кутиб олиш учун муносиб тайёргарлик кўрилди. У ерда касб байрами — Химиклар куни нишонланади. Бу ерда химия фани ва соҳасининг ютуқлари ҳақида қизиқарли кўргазма ташкил этилган, ҳужжатли фильмлар намойиш этилади, меҳнат илғорларига мукофотлар топширилади. Хуллас касбдошлар бу байрамда бир-бирлари билан учрашиб яхши дам оладилар.

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 16 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 12—14, эртага кундузи 24—26 даража иссиқ бўлади.**

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ оқшоми

ҳақиқат

• Меҳнат зафарларимиз—партиямиз анжуманига
• Социалистик мусобақа—ютуқлар омили
• Турли касб эгалари
• Ҳушёрлик—ҳаётимиз тарзи

• КПСС XXVII съездига—27 зарбдор ўн кунлик

ВАЪДАГА ВАФО



— Совет кишиларининг турмуш даражаси ошган сари, улар янада кўркам ва жозибали кийинишни хоҳлайдилар. Корхонамизда тайёрланган маҳсулотларни харидор қизиқиш билан сотиб олаётганда мен меҳнатчи сифатида беҳад қувонаман.

Ҳозир менинг меҳнат календаримда 1993 йил саҳифаси очилди. Касбдошларим Т. Молева, Р. Маткаримова, Л. Енговатова, Л. Фарзилина, К. Шушакова 1989 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олар эканман ўз имкониятларимни албатта синчиклаб ҳисоблаганман. Агарда коммунист зиммасига олган мажбуриятни бажариш ҳақида сўз бердим, у албатта бунинг уддасидан чиқмоғи керак. Мен социалистик мусобақа пешқадами сифатида меҳнатда юқори унумдорликка эришишимнинг боиси нимада?

Цехларда хизмат кўрсатилаётган зоналарда зичлашган услубда меҳнат қилишга ўтиб ишлаш рекорд нархаларини бермоқда. Умумий белгиланган нормативларга биноан иккита тўқиш машинасида ишлаш ўрнига беш-олтита машинани моҳирлик билан бошқараётирмиз. Биз меҳнат усулларини анча такомиллаштиришга эришдик.

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми якунларига бағишланган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленумида КПСС XXVII съездига муносиб тайёргарлик кўриш ва партиямиз анжуманини муносиб армуғонлар билан кутиб олиш юзасидан республикамиз 18 илғор ишчиси бошлаган янги ватанпарварлик ташаббусига бизлар ҳам яқдиллик билан қўшиламиз.

Коллективимиз сафида юзлаб меҳнат новаторлари садоқат билан ишлашмоқда. Улар орасида тиқувчи-мотористка А. М. Просина бор. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси. Бу илғор ишчи ҳар куни смена топшириқларига қўшимча 60—70 процент маҳсулот тайёрлашга эришмоқда, унинг меҳнати олий сифатга қабул қилинмоқда. Юқори сифатли маҳсулотларни намунали потокда тикишда унинг ўнлаб издошлари қатнашмоқдалар. Бугунги кунда халқимиз учун истеъмол буюмлари тайёрлаб чиқаришда сифат ўткир масала бўлиб қолмоқда. Халқимизда шундай яхши нақл бор: «Яхши буюм харидорни тез топиб олади». Бугунги кунда аҳоли кенг истеъмол буюмларини тайёрлаб чиқаришда майда камчиликларга ўрин қолмаслиги лозим. Чунки бу моллар халқимиз учун аталган.

М. ҚОДИРОВА,
«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати.



Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг Моҳира Аҳмаджонова бошлиқ чеварлари КПСС XXVII съездн шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этишмоқда. Чеварлар кунлик топшириқни мунтазам ошириб бажарилишига эришишяпти. Илғор коллектив беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун барча куч-имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда.

СУРАТДА: фабриканинг М. Аҳмаджонова бошлиқ бригада чеварлари.

• Депутат ва ҳаёт

МЕҲНАТИНГ—ЗИЙНАТИНГ

У шаҳримиздаги подшипник ремонти заводида пармаловчи бўлиб ишлайди.

Ҳозирги кунда илғор ишчилар қаторидан ўрин олган Лобар Жўраева корхонанинг ролик-сепараторлар тайёрлов цехига 1976 йилда ишга келган. Пармаловчилик касбини ўшанда танлаган.

Мана, эндиликда у ўз касбининг устаси. Фақат цехдагина эмас, балки бутун заводда уни ҳамма танийди. Жамоат ишларида фаол қатнашади. Кўп марта ташаббус билан чиққан. Ҳозир ҳам стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги ҳамда КПССнинг XXVII съезди шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа пешқадамлари қаторида боряпти, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатаяпти. Чунончи, унинг ҳамкасблари ВЛКСМ аъзоси Фотима Ўрмонова, Райса Кутириалар ҳам баракали меҳнат қилиб кунлик ва ойлик плантопшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этишяпти.

Лобар Жўраеванинг шогирдлари ҳам анчагина. У ўнга яқин ёш ишчига мураббийлик қилган Лобарнинг укаси Рашид ҳам опасининг изидан борди. Ҳозир у ҳам шу цехда пармаловчи бўлиб ишлаяпти. У ҳам малакали ишчилардан саналади.

Бу йил Лобар Жўраевага катта ишонч билдирилди. Илғор ишчи Тошкент шаҳар Советига депутат этиб сайланди. Ў эндиликда ҳамкасбларининг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш истаги билан меҳнат қиляпти. Корхона ишлаб чиқаришини юксалтириш, ўз сайлов округида сайловчиларнинг наказларини бажариш юзасидан талай ишларни амалга оширяпти.

Халқ депутати, илғор ишчи Лобар Жўраева ҳақида завод касаба союз комитети раиси Иван Николаевич Илеменов шундай дейди:

— Лобар баракали меҳнат қилиб, жамоат ишларида фаол қатнашиб завод шуҳратини оширишга катта ҳисса қўшаётган ишчилардан бири. У барча ишларни аъло сифатни бажаради. Шогирдларига ҳам шундай ишлашни ўргатади. Зеро, унинг қўлида касб ўрганган ёшлар коллективнинг муносиб аъзоларига айланишяпти.

Халқимиз «Меҳнатинг — зийнатинг» деб бежиз айтмаган. Халқ депутати Лобар Жўраева ҳам меҳнатсеварлиги, одоби, ишбилармонлиги билан кўпчилик ҳурматини қозоняпти. Ў кунлик, ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб, ишчи деган шарафли номни оқлаяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
ишчи-мухбир.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Энгельс номидаги Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти француз тили факультетида профессор, ўқитувчилар ва студентларнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунос олимлари билан учрашуви ўтказилди. Филология фанлари докторлари А. Ўринбоев, У. Каримов, И. Абдуллаев, тарих фанлари кандидатлари Қ. Мунировв, Ю. Азизова, филология фанлари кандидатлари Д. Валиева, М. Кутиналар ўзларининг шарқ қўлёзма манбааларини тадқиқ этиш ва нашр эттириш борасидаги тажрибалари тўғрисида гапириб бердилар.

Учрашувнинг бадиий қисмида инглиз ва француз факультетлари шарқ тилларини ўрганувчи таржимонлик бўлими студентлари иштирокида концерт берилди.

Т. НИЁЗОВ, Х. УРОЛОВ, Н. НОРҚУЛОВ.

...МАҚТАЙДИ...

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Улуғ Ватан урушн қатнашчиси Абдулла Қосимов ўн бир йилдан бери Собир Раҳимов районидаги 27-«Союзпечать» киоскасида баракали меҳнат қилиб келмоқда. 72 ёшга кирган отахон барвақт ишга келиб, ҳаммаёқни саранжом-саришта қиладн, зиммасига олган ойлик планларнн ҳамиша ортиғи билан бажарадн.

Унинг кўксини бир неча жанговар медаллар билан бир қаторда «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Мусобақа аълочиси», «Социалистик мусобақа ғолиби», «Тўққиз ва ўннинчи беш йиллик зарбдори» кўкрак нишонлари безаб турибдн. Биз эл хизматида бўлаётган бундай отахонлар ҳамиша бор бўлсин деймиз.

И. ҲАКИМОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

АВВАЛ ЯНГИСИНИ ҚУРИНГ

Собир Раҳимов районидаги Себзор массивида қад кўтараётган янги турар жойлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшди. Лекин...

Себзорда илгари бинойдек ҳаммом бор эди. Бу ҳаммомни қолдириб, атрофига турар жойлар қурилса ҳам бўлаверарди. Афсуски, архитекторларга эски ҳаммом ёқмади шекилли, унн бузиб ўрнига уйлар қурилди. Бу территорияда янги ҳаммом қурилмади.

Энди навбат 11-аптекага келди. Уни ҳам бузишга ҳаракат қилишяпти. Бу аптека ҳозир Себзор массивидаги аҳолига хизмат қиляпти. Тўғри, бу аптека ҳам эски бинода жойлашган бўлиб, янги турар жой бинолари ёнида хунукроқ кўринияпти.

Бу бинонинг бузилишига қарши эмасмиз, лекин аптеканинг янги биноси аввал қурилсин, сўнг эскиси бузилсин. Бинобарин, Себзор массиви аҳолиси дори-дармон қидириб шаҳар айланиб, қимматли вақтини бекорга ўтказмасин.

Бир группа аҳолн номидан:
А. НАБИХЎЖАЕВ, пенсионер.

СУВ ЎРНИГА.. «ҲУШТАК»

Биз Собир Раҳимов районидаги Аъзам Иброҳимов ва Ойбек номли маҳаллаларда, хусусан Ҳ. Тошмуҳамедов кўчасининг 1, 2, 3-проездларида, В. Жумаев кўчасида, Мирза Ғолиб кўчасининг 1-проездида яшовчи аҳолн ҳар йили водопроводлардаги сув босимн пастлигидан қийналамиз. Ўтган йилги шикоятимизга «Водоканал» трестидан жавоб хати келганда бошимиз кўкка етганди. Ширин орзумиз энди амалга ошар деб ўйладик. Лекин, трест ремонтчилари келиб, у ер-бу ерин кавлаб, жуфтакни ростлаб қолишди. Энди қувурлардан сув ўрнига «ҳуштак»ка ўхшаш овоз чиқадиган бўлиб қолди. Наҳотки, «Водоканал» трестидагилар бизга ҳуштаквозлик эмас, сув керaклигини билишмайди!

Аҳолн номидан: Ш. УМАРОВ.
Жамн 12 нмзо.

• Коммунист ўйлари

ШАХСИЙ НАМУНА КУЧИ

КПСС XXVII съезди шарафига ҳамма жойда ўзаро социалистик мусобақа кенг тус олиб кетди. Негаки, съездгача саноқли ойлар қолди. Бу давр барча соҳаларда қизғин ва фидокорона ишлаш даври бўлади. Ў ҳар бир кун, соатда зўр ғайрат билан меҳнат қилишни талаб этади.

Партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорлари ҳар бир коммунист, комсомол аъзоси, меҳнатчи олдига ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришни, оқилона хўжалик юритишни, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун тегишлича тартиб-интизом ўрнатишни тақозо этади.

Хўш, шундай кезларда коммунист ҳаётидан нималар ўтиши мумкин? Табиийки, энг аввало, партия Марказий Комитетининг Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, янада ишчанлик, принципиаллик билан иш юритиш, сўз ва иш бирлигига амал қилиш, ташаббус, масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанлик кўрсатиш зарурлиги ҳақида ўйлаймиз. Бизнинг зиммамизга катта ва масъулиятли вазифалар юкланган. Пахтакор республикалар биздан янада унумли, аъло сифатли терим машиналари кутмоқдалар. Шунинг учун ҳам биз меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суръатда ўстириш, ускуналарнинг сменалик коэффициентини янада оширишни режалаштирганмиз. Салкам чорак асрдан буён шу жонажон корхонада ишлаб келаяпман. Мен етакчилик қилаётган 14-цех партия ташкилотининг коммунистлари бутун коллектив ўртасида юксак уюшқоқлик ва интизом ўрнатиш учун иш олиб бормоқда. Ўйлаймизки, корхонамизнинг барча коммунистлари съездни ёруғ юз билан кутиб олиш учун кенг тус олган мусобақада бошқаларга ўрнак бўлишдек ўз яхши анъаналарига содиқ қоладилар.

О. КАРПОВА,
«Ташсельмаш» заводи 14-цех партия ташкилотининг секретари.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



Ўткир Рашидов мана 27 йилдирки, «Главташкентстрой»га қарашли 1-ёғочнн қайта ишлаш заводида фидокорона меҳнат қилиб келади. Коммунистик меҳнат зарбдори У. Рашидов айни кунларда партия съезди шарафига бошланган мусобақада байроқдорлик қилмоқда. У шу билан бирга ёшларнинг севимли устози сифатида ўз касбини уларга меҳр билан ўргатаётир. Тажрибали ишчи кунлик топшириқларни мунтазам ошириб бажариш билан бирга сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришаётир.

СУРАТДА: илғор ишчи Ўткир Рашидов.

• ГАЗЕТХОН ЛУҚМАСИ

ЭШИГИДА ҚУЛФ...

Ҳамза районидаги «Шаҳло» кафесининг пастки биринчи қаватида 22-озиқ-овқат магазинига қарашли сабзавот-мева дўкони бор. Шу дўконга қачон қарамай эшигида қулфи бор.

Ахир, очган билан ниманн сотиш керак. Ҳа, сотувчилар дўконни очгани билан нимани сотишарди. Панжара орқасида кўриниб турган олма қоқи, шафтоли қоқи ва қуриган чўп бўлиб қолган сабзи билан моғор босган лавлагининми? Уялганларидан бўлса керак дўконнинг пештоқидаги ёзувни ҳам олиб қўйишибди.

Бундай аҳволга — ҳатто, сабзи ҳам қоқи бўлиб қолганига чўзилган қишни баҳона қилишса ажаб эмас. Лекин бу ерда ёзда ҳам ёлчитиб савдо қилишганини кўрмаймиз. Шуниси қизиқки, 1-уйсозлик комбинатн яқинидаги «Ташплодоовощ»га қарашли 9-сабзавот магазинига кирсангиз бошқача манзара намоён бўлади. Ҳилма-хил мева, сабзавот, компот, қиёмларни кўриб кўзингиз қувонади.

Наҳотки, Ҳамза райпишчеторги раҳбарлари 1-уйсозлик комбинати территориясидаги дўконни ҳам турли мева, сабзавот билан таъминлаш чорасини топа олишмаётган бўлса?

С. ҲАБИБУЛЛИНА.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
24 МАЙ, 1985 й.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ЎТ ОЧАЙЛИК!

5. РУЛДАГИ БАДМАСТЛАР

Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ва шаҳар ГАИсининг қўшма рейди

«Оқшом» газеталари ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисида бир неча материаллар эълон қилган эди. Айниқса, 1985 йилнинг 4 апрель сонида эълон қилинган «Қоидабузарлар ва хомийлар» мақоласи кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Унда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст-аласт юрувчи кишиларга нисбатан талабчанликни кучайтириш масаласи кескин қўйилган эди.

Бугун биз бу проблемага КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ёндошамиз. Бу қарор жамиятимиздаги ярамас иллатга қарши жиддий ва муросасиз курашга чорлайди.

Кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари машина рулида маст кишиларнинг ўтиришганлиги туфайли содир бўлаётганлиги сир эмас. Йўл ҳаракати қоидаларига кўра бундай маст ҳайдовчиларга ҳеч қандай шафқат қилинмайди.

Аммо афсуски, бундан ҳамма ҳайдовчилар ҳам ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаяптилар. 1985 йилнинг январь ойидан бошлаб мингдан ортиқ ҳайдовчининг маст ҳолда рулга ўтирганлигининг аён бўлганлиги ва уларнинг транспорт воситаларини бошқаришдан четлаштирилганлигининг ўзи бу фикримизнинг исботидир.

Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан тузилган бир нечта протоколларга эътиборингизни жалб этамиз.

● **Иван Сергеевич Солдатов ўзини оддий кишилардан деб ҳисобламайди.** Чунки у республика алоқа министрлигига қарашли 1-алоқа автомобиль транспорти корхонасининг ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғида! Шунинг учун ҳам ГАИ инспектори И. Қоратоев тўхтатмоқчи бўлганда, у «Москвич» машинасини тўхтатишни ўзига эп кўрмади. Аммо бироздан сўнг тўхташга мажбур бўлди. Медицина текширув кўригидан ўтказиш актида врач Борисенко шундай деб ёзади: «...кайфи бор, чайқалиб юради, қўллари титрайди, пала-партиш гапиради...» Маст ҳайдовчи ўз айбини бўйнига олишни хоҳламади. У инспекторга дўқ уриб, китлнни йиртиб юборди. Пассажир — Солдатовнинг ўртоғи — В. И. Мосин бу воқеанинг гувоҳи бўлди. ГАИ ходимлари ниҳоятда кайфи баланд бўлган ҳайдовчини хушёрхонага олиб боришга мажбур бўлдилар. Пировардида Солдатов бир йилга машина ҳайдашдан маҳрум этилди. Аммо бу билан воқеага нуқта қўйилмади. 1-алоқа автомобиль транспорти корхонасининг бошлиғи Т. Маҳкамов ўз коллективининг 1985 йилнинг 17 майида бўлиб ўтган умумий йиғилиши протоколини давлат автомобиль инспекцияси бошқармасига жўнатди. Ҳужжатдан шу нарса аниқ бўлдики, ҳамкасблари Солдатовнинг хатти-ҳаракатини муҳокама қилганлар. Айтгандек, йиғилишда бошқалар қатори ҳаракат хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи... В. И. Мосин (унинг ўзи йиғилиш секретари сифатида протоколга имзо чеккан) ҳам сўзга чиққан. Бизнингча, изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

● **Устозмисан, шогирд тарбиялаб Ҳақ гап.** Автомобиль транспорти министрлигига қарашли Тошкент автомобиль ўқув комбинатининг ҳайдовчи-инструктори Е. Мухсимов ширакайф ҳолда бу гапни ўзича талқин этди. У бошқараётган «ЗИЛ—130» автомобили ГАИ ходимлари томонидан тўхтатилганда фақат инструктор эмас, балки унинг қўл остидаги — комбинат ўқувчиси У. Тўхтаев ҳам маст экан. «Устоздан ўзмаган шогирд шогирдми», деганлари шу бўлса керакда! Аммо бундай бўлмади. Комбинат раҳбарлари (директори Р. Дўстмуҳамедов) ичкиликбозлик тўғрисидаги бу масалани ҳал этишга қатъий ёндошди. Иш пайтида ширакайф бўлиб юрганлиги учун Мухсимов қонунга биноан ишдан бўшатилди.

● **Шундай раҳбарлар борки, улар бошқаларга ибрат бўла оладилар.** Аммо Тошкентдаги 4-автопарк директори ўринбосари Раҳмонберди Рўзиматов тўғрисида бундай дейиш қийин. У кайф ҳолда хизматдаги «Волга» маркали «21—96 ТНП» номерли машинани бошқариб бораётганида ГАИ ходимлари томонидан ушланди. Унинг огоҳлантирнши талонида қарийб қоидабузарликнинг барча турлари бўйича белги қўйилган эди. Шунинг учун ҳам шу автопарккнинг омбор мудири Борис Голушкин ўз директор ўринбосаридан ўрнак олишга ҳаракат қилди. У лавр баргини газак сифатида бир чайнаб олиб, ўзининг «Б 88—05 ТН» номерли «Жигули» машинасига ўтирди. Аммо медицина текшириш кўригидан ўтказилганда бу «ниқоб» ошкор бўлди.

● **Олой бозоридаги сабзавот дўкони директори ўринбосари Гиви Александрович Чачанидзе анча қизиққон одам.** У машинада тез юришни яхши кўради. Афтидан у 2 май куни, кечқурун кечки байрам дастурхонидан қайтаётган бўлса керак. Чачанидзе чача ичганми, коньяк ичганми, ГАИ ходимлари буни аниқлолмадилар. Иш бошқача бўлган эди. Унинг «Е 46—79 ТН» номерли «Жигули»си ҳалқа йўлнинг чеккасидаги ариқ ичидан топилди. Аниқланишича, Гиви Чачанидзе автомобилни бошқаролмай, дарахтга бориб урган. Бу сафар ҳайдовчи ва йўловчилар ёқаларига «туф-туф» лашганича осонгина қутилиб қолишди, аммо бу биринчи мартамикан, хўш кейинчи?

«У техникум ўқитувчилари ва ўқувчилари орасида ҳурмат-эътиборга эга». Бу сўзлар ширакайф ҳолда «Е 49—38 ТН» номерли «Жигули» машинасини бошқариб кетаётганда ГАИ ходимлари томонидан ушланган Тошкент кооператив техникумининг ўқитувчиси Николай Алексеевич Бакуненконинг характеристикасидан олинди. Бу характеристика ва тавсияномада бўлган воқеадан сўнг дарҳол давлат автомобиль инспекцияси бошқармасига жўнатилди.

● **Шунингдек,** «Узспецводмеханизация»нн трестининг 5-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи В. С. Бочаров, «Госкомводстройнинг ахборот ҳисоблаш маркази бўлими катта инженери И. А. Рева, «Главташкентстройнга қарашли «Оргтехстрой» трестининг махсус машинаси ҳайдовчиси С. Ракамин, «Узэлектромонтаж» трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси шофёри Е. Шумилин, Ҳамза райпишчеторгига қарашли 17-магазин директори вазифасини бажарувчи Р. Қурбонов, озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли Тошкент тажриба механика заводи шофёри Э. Арутюнов, асбобсозлик заводи катта мастери Н. Абадлаев, «Металлобитремонт» бирлашмасининг цех бошлиғи Т. Иброҳимов, «УзГАПУ»нинг марказий дорихона омбори гараж мудири Н. Алисманов, Тошкент область қурилиш банки бўлим бошлиғи С. Абдуқодиров ва бошқалар кайф ҳолда рулга ўтирганлар. Шунисн ажабланарлики, ГАИга дарҳол фақат ижобий характеристикалар жўнатилган. Бизнингча бундай характеристика ва тавсияномалар бераётган кишилар партия ва ҳукуматимиз томонидан ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши қарорда кўрсатилган талабларни ёддан чиқарганлар, шекилли. Биз эса уларга КПСС Марказий Комитетининг **«Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида» қароридаги ушбу сўзларни яна бир бор эслатиб ўтамиз. «Бу ншга чинакам оммавий, умумхалқ тусини бериш, ҳар бир меҳнат коллективида ичкиликбозликка, меҳнат интизоми ва тартибини ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик вазнятини вужудга келтириш зарурлиги таъкидланди».**

Бу сўзлар ичкиликбозликка қарши курашда дастуриламал бўлиб қолиши керак. Айниқса бунн автомобиль рулига ўтираётган кишилар яхши билмоқлари лозим. Чунки улар фақат ўз ҳаётлари учун эмас, балки бошқа ўнлаб кишиларнинг ҳаётлари учун жавобгардирлар.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси ҳамда шаҳар ГАИсининг коллектив мухбирлари.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚОИДАБУЗАРЛАР ВА ҲОМИЙЛАР»

Газетанинг 1985 йил 4 апрель сонида худди ана шу сарлавҳа остида спиртли ичимликлар истеъмол қилаётган шоферлар тўғрисида рейд материали эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль ишлаб чиқариш трести [бошқарувчиси М. Алиев]дан ва «Узтрансэкспедиция» бошқармаси [бошлиғи А. Жабборов]дан жавоб хатларн олинди.

Жумладан М. Алиевнинг жавобида шундай дейилади:

«Қоидабузарлар ва хомийлар» танқидий мақоласи трестимизга қарашли автомобиль корхоналарининг барча раҳбар ходимларн иштирокидагн Советда муҳокама қилинди ва ундаги танқидий фикрлар тўғри деб топилди. Мақолада кўрсатилган 3-автомобиль комбинатида ҳам комбинат ишлаб чиқариш мажлисида ва шоферлар ўртасида ушбу мақола муҳокама этилди.

«ВАЗ 2106» маркали, «Д 75—87 ТН» номерли шахсий автомобилини маст ҳолда бошқарган шофёр М. Манафовга тавсия берилишига юзаки ёндошган автокомбинатнинг 3-автоколонна бошлиғи Р. Аъзамовга ивговор берилди. Шофёр М. Манафов ишдан бўшатилди. Автомобиль корхоналарининг барча раҳбарларига келгусида ана шундай хатоларга йўл қўймаслиғи учун кўрсатмалар берилди».

«Узтрансэкспедиция» бошлиғи А. Жабборовнинг жавобида эса шундай дейилган.

«Қоидабузарлар ва хомийлар» мақоласи инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўртасида кўриб чиқилди. Йўл ҳаракати қоидаларини, меҳнат ва ишнн интизомини бузган ҳаракат хавфсизлиги катта инженерн М. Арзуманянинг «Узтрансэкспедиция» бўйича чиқарилган буйруққа биноан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди. Ҳозирги кунда бу вазифада интизомли ва масъулиятли мутахассис ишламоқда.

• МИХАИЛ ШОЛОХОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ТОШКЕНТ—ВЕШЕНСКАЯ



...Заҳматкаш «АН—24» самолёти енгил бурилиб олгач, унинг қанотлари остида яна Доннинг айланма оқимлари сузади. Иллюминатор ойнасидан барқут май япроқларига бурканган оқ бинолар худди ўйинчоқ уйчалардек кўзга яққол ташланиб туради.

Бироқ Вешенскаяга машинада кириб борар экансан улкан замонавий бинолар сени қаршилайди. Булар Советлар Уйи, маданият Саройи, район кутубхонаси, педагогика билим юрти ва бошқалардир. Вешенская станицасининг бетакрор қиёфасини ўзгартиришни истамагандек бу бинолар ўз бўйларини баланд дарахтлар остига яширган. Фақат машиналаргина — улар йўллар бўйлаб тинмай ғизиллайди —енгил машиналар, ихчам «Пазик»лар ва салобатли «Икарус»лар кўринади. Уларнинг барининг борар манзили битта — Михаил Александрович Шолохов уй-музейи ва қабри.

Бу табаррук жойга одамлар оқими тинмай келаверади. Шу кунларда айниқса, уларнинг сон-саноғи йўқ. Москва, Дон ва бошқа жойлардан ёзувчилар делегациялари, туристлар, буюк совет ёзучисининг муҳлислари. Улар адиб Ватанида бўлиб ўтадиган юбилей тантаналарининг очилиш маросимида иштирок этишади.

Музей-қўриқхона директори Николай Александрович Булавиннинг ташвиши ҳамиша етиб ортади. Ушбу юбилей кунларида эса улар кўпайгандан-кўпайган. Бироқ у Юқори Донда бунёд этилаётган мемориал комплекс ҳақида сўзлаб беришга фурсат топади.

— Сизлар самолётда Доннинг иккала қирғоғи бўйлаб чўзилиб ётган ўрмонни кўрдиларингми?—сўрайди Николай Александрович.— Шолохов сайр қилишни ёқтирган ана шу қўлбола ўрмон ҳам, ёзувчининг ватани Кружилинский хутори ҳам, хутордаги у туғилиб ўсган кулба ҳам музей қўриқхона таркибига киради.

Шолоховнинг боладиги ўтган Карагинская станциясидаги уй, у таҳсил олган черков мактаби ҳам музей-қўриқхона мулки бўлиб қолган. Бир қизиқ нарсага диққатингизни тортмоқчиман: бизнинг Донда ҳам худди сизларнинг Ўзбекистонингиздаги каби қадимдан сомон уйлар қуришган. Карагинская станицасида мана шундай уйлардан бирида ёзувчининг боладиги ўтган ва ижод йўли бошланган.

...Бу хушманзара қишлоқлар Дон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Дарёнинг сўл қирғоғида эса бепоён Вешенская станицаси. Донга қараб чўзилган хиёбон сўнггида, соҳилда, Михаил Александрович Шолохов бюсти турибди. Унинг ўнг томонида СССР Олий Совети депутати Шолоховга сайловчиларнинг энг сўнгги наказларидан бирининг маҳсули бўлиб қолган янги, ишга тушиши яқин бўлган ажойиб кўприк қурилмоқда.

Ҳозирча бу ерда Донни пантон кўприк орқали кечиб ўтишади. Йўл бир ёқлама: биров ўтса, бошқаси кутиб туради. Аммо янги кўприк деярли битиб қолган. Битгач эса у ҳам Михаил Александрович Шолоховга ўрнатилган ўзига хос ёдгорлик бўлиб, мемориал комплекс таркибига киради.

М. А. Шолохов давлат музейи-қўриқхонасида энг диққатни тортадиган нарса бу шубҳасиз, ёзувчининг уйидир. Унинг қабри алвон гулларга бурканган. Енгил ғичирлаб ҳовли эшиги очилади. Бу ерда ҳамма нарса у ҳаётлигида қандай бўлса шундай асралади. Шолохов Вешенскаяда 60 йил яшади. «Тинч Дон», «Очилган қўриқ», «Инсон тақдири» ва бошқа асарларини шу ерда ёзди. Ёзувчининг кабинети иккинчи қаватда: стол, қулай ва юмшоқ кресло, китоблар.

Бу ердаги ҳар бир экспонатга улкан сўз устаси ва ажойиб инсоннинг қўли теккан. Улар орасида чопон ҳам, дўппи ҳам ўзбек кулоллари ясаган буюмлар ва ўзбек ларнинг миллий пичоғи — дудама ҳам бор. Улар Шолохов уйига қаердан келиб қолди экан?

— 1982 йилнинг сентябрь ойида,— деб ҳикоя қилади Н. А. Булавин, — Вешенскаяга тошкентлик журналист Анвар Жўрабоев келган эди. Мен ўшанда Вешенский район партия комитетининг биринчи секретари эдим. Меҳмонни Михаил Александровичнинг уйига ўзим олиб бордим. Ушбу ёдгорлик совғалари адибга тошкентликлар номидан топширилган.

Ўшанда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари учун Михаил Александрович томонидан берилган интервью кейинчалик Ростов-Донда чоп этилган китобга киритилди. У Михаил Шолохов матбуот учун берган интервьюларининг деярли энг сўнггиси бўлиб қолганлиги билан ҳам қимматлидир. Ушбу интервью киритилган китоб ҳам музейимизнинг экспонати бўлиб қолади.

Михаил Александрович ҳеч қачон Тошкентда бўлмаган эди. Бироқ ушбу алоқалар Ўзбекистон пойтахтини Вешенская станцияси билан, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, буюк совет ёзувчиси Михаил Александрович Шолохов уйи ва давлат музейи-қўриқхонаси билан бир умр боғлаб туради.

М. ЮСУПОВ,
Ю. КАЗАЧЕНКО.

ВЬЕТНАМ КИТОБЛАРИ



БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

Тошкентдаги СССР халқлари дўстлиги музейида СССРда Вьетнам Социалистик Республикаси маданияти кунларн доирасида Вьетнам китобларн кўргазмаси очилди. У Вьетнамда Август революциясининг 40 йиллигига бағишланган. Мухбиримиз Вьетнам Социалистик Республикаси маданият министрлиги нашриётчилик фаолияти бошқармасининг бошлиғи, делегация бошлиғи Нгуен Чонг Суан билан учрашиб, ундан дўст мамлакатда китоб нашр ишларининг ривожланиши, полиграфия корхоналарида тайёрланаётган адабиётлар ҳақида гапириб беришни сўради.

— Улуғ Хо Ши Мин тузган Вьетнам Коммунистик партияси раҳбарлиги остида Октябрь революцияси йўлидан бораётган Вьетнам халқи француз мустамлакачилари, япон ва Америка милитаристлари устидан ғалаба қозонди. Бугунги кунда халқимиз тинч турмушни бунёд этмоқда. Партия ва ҳукуматимиз китоб нашр этиш ишларини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Матбаачилик қизғин ривожланяпти. Бундан ўн йил муқаддам мамлакатимизда ўн тўққиз нашриёт бўлган бўлса, ҳозирда 39 марказий ва маҳаллий нашриёт бўлиб, уларда 1500 ходим, шу жумладан 700 дан зиёд редактор ишлаб турибди. Утган йили Вьетнамда умумий тиражи 42 миллион нусхадан зиёд бўлган 2000 дан ортиқ номда — ижтимоий-сиёсий-бадиий, илмий-техника, болалар адабиёти, ўқув дарсликлари, чет тилларда адабиётлар нашр этилди. Биз марксизм-ленинизм классиклари, Вьетнам Социалистик Республикаси ва СССР партия ва ҳукумат раҳбарларининг асарларини нашр этмоқдамиз.

— Ўртоқ Нгуен Чонг Суан, марҳамат қилиб кўргазмага қўйилган китоблар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— СССР халқлари дўстлиги музейига қўйилган экспонатлар рамзийдир. Бу ерда бир минг китоб, фотоальбомдан иборат экспозиция намойиш этиляпти. Булар 26 марказий ва 13 маҳаллий нашриётда тайёрланган. Бу ерга келаётган зиёратчилар мана шу қўйилган китоблар орқали бизнинг революцион анъаналаримиз, Вьетнам Коммунистик партиясининг она-Ватанимиз равнақи ва унинг ҳимояси борасида олиб бораётган бош йўли ва снёсати, мамлакатимизда ривожланиб бораётган маданиятни яққол билиб олмоқдалар. Биз совет матбаачилари билан биргаликда буюк Ленин тўла танланган асарларининг 55 томлигини нашр этдик. Социализм ва тинчлик ҳамиша муштаракдир. Биз пролетариатнинг доҳийси, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси ҳақида фикр юритганимизда шундай таъкидга эга бўламиз. Эндиликда менинг халқим Ленин асарларини ўзининг она тилида ўрганишнинг имкониятини яратди. Нашр этилишини жуда катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Бу вьетнам ва совет китоб нашриётчилигининг самарали ҳамкорлиги ёрқин намунасидир. Танланган асарлар қисқа муддат ичида беш марта нашр этилди.

Вьетнамда 16 та нашриёт Москвадаги «Прогресс», «Мир», «Радуга», «Русский язык» нашриётлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Улар бизга вьетнам тилида икки миллионга яқин китобларни нашр этишда ёрдам беришмоқда.

Бу йил 56 номдаги китоб ҳамкорлик йўли билан нашр этилиши керак.

Вьетнам китобхонлари рус ва совет адабиёти классикларини ҳамиша севиб ўқийдилар. Бизнинг «Ван хок» нашриётимизда совет муаллифларининг асарлари мунтазам нашр этилмоқда. Сиз мана шу кўргазмада ана шу китоблар намуналари билан танишяпсиз. Бундан ташқари «Зяо зук», «Маориф», «Дай хок», «Олий мактаб» ва бошқа нашриётларда ҳам совет муаллифларининг кўплаб китоблари оммавий нусхада нашр этилмоқда.

Биз вьетнам халқининг қаҳрамонлиги, унинг нурафшон келажак учун олиб борган кураши, социалистик республикамизнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи таниқли адиб ва шоирларнинг талай китобларини нашр этмоқдамиз.

Биз ёшлар, кичик авлод истагини қондириш мақсадида, қоғоз билан бўлган қийинчиликларга қарамай уларнинг ўқув дарсликларига бўлган талабини тўла қондиришга интилмоқдамиз. Биз да ҳам мактаб ислоҳоти ўтказилди. Биз ҳозиргн пайтда барча куч-ғайратимизни таълимнинг янги системаси бўйича ўқув дарсликларини чиқаришга сарфламоқдамиз.

Бизнинг Ўзбекистон китоб нашриётчилари, адабиётчиларн ва таржимонлари билан алоқамиз жуда ҳам мустаҳкам. Сизнинг республикангиз — Совет Ўзбекистонида вьетнам адибларининг йигирмага яқин номдаги китобларн ўзбек ва рус тилларида нашр этилди.

— Сизнинг Совет Ўзбекистони пойтахти ва унинг аҳолиси тўғрисида олган таассуротларингиз қандай!

— Энг қувончли, энг самимийдир. Сизнинг бутун мамлакатингиз каби бу ерда ҳам ажойиб кишилар истиқомат қилишаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Ҳамкасбларимиз кўргазмани безаклашда яқиндан ёрдам беришди. Биз Тошкент ва Самарқанднинг кўплаб китоб савдоси корхоналарига бордик, «Матбуот» бирлашмаси ва нашриётлардаги ҳамкасбларимиз билан учрашдик.

Совет кишилари, коммунистлар КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига жуда катта меҳнат ва сиёсий жўшқинлик билан тараддуд кўришаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Бизнинг мамлакатимизда ҳам Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги муносиб нишонланди. Чунки тинчлик биз учун ҳам азиздир. Биз фақат совет халқи каби тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан бориш иштиёкидамиз.

Бизнинг календарь

ИНҚИЛОБНИ КУЙЛАГАН ШОИР

Бугун истеъдодли шоир, СССР Ёзувчилар союзи I съездининг қатнашчиси Яҳиэл Оқилов туғилган кунга 85 йил тўлди. Шу муносабат билан Тошкентда инқилобнн кўрган ва куйлаган шоир ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

Биринчи китоби 1927 йилда чоп этилган шоирнинг «Мирзачўл», «Қумрн» достонлари Садриддин Айний, Ғафур Ғулом каби бетакрор истеъдод соҳиблари томонидан ўз вақтида юқорн баҳоланган эди.

Биз бугун шоир ижодидан айрим намуналарни окшомхонлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

Яҳиэл ОҚИЛОВ

ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ

Биз ишчимиз, биз — деҳқон,
Лениндир йўлбошчимиз.
Октябрь Инқилоби
Аритди кўз ёшимиз.
Емирилди шоҳ, амир,
Ағдардик тахти билан.
Нафрату аламларда
Порлади бардошимиз
Ҳар шаҳар, ҳар бир қишлоқ,
Ҳар бир хонадон узра,
Меҳнаткаш куни туғди,
Шоду ҳур замон узра.
Қизил Октябрь нури
Муборак амал бўлди.
Беш қирра юлдуз энди
Ярқирар жаҳон узра.
Октябрга раҳбару
Йўлбоши Ленин бўлди.
Озод Инсон қалбининг
Қўлдоши Ленин бўлди.
Ленин каби ишлайлик,
Яшайлик Ленин каби.
Мазлумларнинг ғамхўри,
Йўлдоши Ленин бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН

Фарзандлари ботир, нишсевар, оқил,
Санъатда, ижодда — ҳар нега қобил.

Ўзбекистон — гўзал, баркамол диёр,
Ўғилларн фозил, қизлари дилдор.

Одамларн саҳий, бағри кенг, танти,
Шу учун чаманга чаман уланди.

Шунинг учун қарич тупроғи обод,
Пахта илмнда у ҳамиша устод.

Ташна Мирзачўли улуғ боғ бўлди,
Ҳимматидан ўлка мевага тўлди.

Қўйнида ишчню деҳқон, пахтакор
Ватан хизматида жонбоз, фидокор.

Ленин даҳосидан бўлиб баҳраманд,
Бу шонли ўлканинг толеи баланд.
Юксалиш мавжуддир ҳар лаҳзасида,
Маърифат, адолат сўз — лаҳзасида.
Ўзбекистон куйи янграган маҳал
Чаманзорда булбул лол қолади, лол.
Қалбидан отилган олов газн бор,
Тупроғида нефту, олтинлар бисёр.
Кундан-кунга ортиб зафари, шони,
Қойил қолдирмоқда кўхна дунёни.
Коммунизм сари қадам-бақадам
Бормоқдадир жамн халқ билан бирдам!

Ёдгор ОБИДОВ таржимаси.

ПИРИ-БАДАВЛАТ ҚАРИЯЛАР

ЭСТОНИЯ ССР. Пярнуда истиқомат қилиб турган Катарина ва Яан Тинтслар турмуш қурншганига етмиш ўнл тўлди. Қадимий шаҳар ратушасида бўлиб ўтган тантаналн маросимга уларнинг фарзандлари, невараларн, эвараларн келдилар.

Юбилярлар шаънига кўпгина эзгу сўзлар айтилди. Улар бунга арзигулик иш қилганлар: металлчи ва қурувчи аҳил ишчилар сулоласига асос солганлар. Пярнунинг ҳамма йирик корхоналарндаги илғорлар орасида Тинтслар фамилняси бор. Кўпларн Яан бобонинг касбини эгаллаб қурувчи бўлганлар.

У урушдан кейин шаҳарни қайта тиклашда қатнашди, узоқ йиллар мобайнида ўнлаб уйларнн қурди, дурадгорлик асбобини Ян бобо юбилейга қилинган энг яхши тортиқ деб ҳисобладн.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОВЕТ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ДИПЛОМЛАРИ БИЛАН

БУДАПЕШТ. Венгрияда совет олий ўқув юртларини битириб келиб ишлаётган мутахассислар бўлмаган саноат корхоналари ва муассасаларини топиш қийин. Салмоқли назарий ва амалий тайёргарлик бу мутахассисларга энг мураккаб ва масъулиятли ишлаб чиқариш ёки илмий проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

1948 йилдан буён ўтган давр ичида СССРдаги олий ўқув юртларини 6 мингга яқин венгер студенти битириб чиқди. Ҳозир совет университетларида ва институтларида Венгрия Халқ Республикасининг 800 га яқин йигит ва қизи таълим олмоқда. Уларнинг тайёргарлиги биринчи навбатда Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кооперациялашни чуқурлаштириш давомида, ҳар томонлама венгер-совет ҳамкорлигининг ривожланиши натижасида зарурият га айланган ихтисосларни ўрганишга қаратилган.

Рус тили ва адабиёти ўқитувчиларининг, бошқа мутахассислар ва диплом ёқловчи студентларнинг СССРда олти ойлик стажировкадан ўтиши таълимнинг анъанавий шаклларини бойитди. Бундай тайёргарлик ҳар икки қардош мамлакат олий ўқув юртлари ўртасидаги бевосита ҳамкорлик доирасида ташкил этилмоқда.

Жуда кўп ёш венгерлар ватанига қайтиб келганларидан сўнг, СССРда ўқиш йилларн, совет ўқитувчилари тўғрисидаги хотираларини унутмай, мамлакатда амал қилиб турган 20 дан ортиқ совет олий ўқув юртларини битириб чиққан мутахассислар клубларида учрашиб туришни давом эттирмоқдалар, венгер-совет дўстлиги жамиятининг активлари бўлиб қолмоқдалар.

МОСКВА ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

НЬЮ-ЙОРК. Ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалига боради ган АҚШ делегатлари Америка ёш авлоди ядро хавфига, Рейганнинг «самовий уруш лар» программасига қарши курашишга қатъий аҳд қилганлигини билдирмоқдалар. Нью-Йорк штати қонун чиқарувчи мажлисининг аъзоси Фрэнк Барбаро касаба союзлари ва-килларининг Москвада ўтказиладиган ёшлар анжуманига бағишланган йиғилишида нутқ сўзлаб, шуни айтди.

Йиғилиш иштирокчилари ер куррасн ёшлари фестиваль ҳаракатининг олижаноб ғояларини АҚШ ишчилар синфи кенг қўллаб-қувватлаётганини таъкидладилар. Мамлакатда фестивалга тайёргарлик кўрувчи 50 дан кўпроқ маҳаллий комитет фаолиятида касаба союз ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар. Москва анжуманига тайёргарлик, деб уқтирди озиқ-овқат саноати ва савдо ходимлари бирлашган касаба союз бўлимларидан бирининг президенти Генри Фоунер, АҚШ уюшган ишчилар ҳаракати билан Америка ёшлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашади.

XII Жаҳон фестивалига халқаро тайёргарлик комитетининг ҳозир АҚШ бўйлаб сафар қилаётган делегацияси аъзолари учрашув қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

АГРАР ИСЛОҲОТГА ҲУЖУМ

ЛИССАБОН. Португалиянинг Алентежу вилоятидаги «Агнар» ва «Галернаш» қишлоқ хўжалик кооператив-ларининг деҳқонлари эрта тонгда далага чиққанларида кўпдан-кўп жандармлар уларнинг йўлини тўсишди. «Тартиб посбонлари» умумлаштирилган минг гектардан кўпроқ ерни мусодара қилишни ҳукумат маъмурлари буюрганликларини айтдилар. Деҳқонларнинг ғазабли норозилигига қарамай, ер участкаларига эгалик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар собиқ по-мешчикнинг онласига олиб берилди. Шу тариқа яна иккита коллектив хўжалик тугатилиш хавфи остида қолди. Бундай чоралар ерга эгалик қилишга оид амалдаги қонунларга хилоф равишда кўрилмоқда, дейнлади Португалия қишлоқ хўжалиги миллий конфедерацияснинг баёнотида.

Аграр ислоҳотга қилинаётган ҳозирги ҳужум 1974 йилги антифашист революциясининг ғалабасидан сўнг португал халқи қўлга киритган энг муҳим ғалабалардан бирини тугатиш ниятн борлиғидан далолат беради. Бу ҳужум кескин қаршиликка дуч келмоқда.

Мамлакатнинг Европа «Умумий бозори»га кириши режаларн ҳам португал деҳқонларн ва фермерларнни қаттиқ ташвишга солмоқда. Бу тадбир Португалиядаги минглаб майда ва ўрта деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилишга мулқаррар равишда олиб боради, деб ҳисобламоқда улар.

КОМСОМОЛ-ЁШЛАР ДАРҒАСИ

(«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА)

Бутуниттифоқ комсомолларининг етакчи газетаси комсомол билан бирга дунёга келди, социалистик революция алангалари ичра туғилди, гражданлар урушининг қуюнли бўронлари ва қалғали жангларда чиниқди.

«Комсомольская правда» партия XIII съездининг қарори билан Россия Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Марказий Комитетининг ҳамда Москва комитетининг органи сифатида 1925 йил 24 майдан чиқа бошлади.

Партия комсомоллар газетаси олдига ёш авлодни Ленининг ўлмас таълимоти ва ленинизмнинг барҳаёт ғояларн руҳида тарбиялаш вазифасини қўйди. Газета ўзининг биринчи қадамлариданоқ ленинча ғояларнинг толмас коллектив тарғиботчиси эканини намойиш этди. Биринчи сонидан бошлаб то ҳозирги кунларимизгача коммунистлар партияси, унинг идеаллари, улуғвор ишлари ҳақида, партия аъзоси номини азиз ва муқаддас билиб, бу номнинг обрў-эътиборини тобора юксакроқ кўтараётганлар тўғрисида, номи бош ҳарфлар билан битилувчи КОММУНИСТЛАР ҳақида жўшиб ва ёниб ёзди, ёрқин ва таъсирли қиқоя қилди. Шу боис Н. К. Крупская «Комсомольская правда» ҳақида гапириб, «Газетанинг ҳар бир сатрида партияга меҳр-муҳаббат товланиб туради», — деганида тамомила ҳақ эди.

Комсомол ўз газетасига «Комсомольская правда»— «Комсомол ҳақиқати» деб ном берди: бу номда чуқур рамзий маъно бор эди. Бу ном, аввало, Улуғ Октябрни амалга оширган мамлакат революцион ёшларининг органи бўлиб, комму нистик ҳақиқат ва адолат учун курашувчи жанговар газета эканига ишора эди. Қолаверса — бу ном ёшлар газетасининг большевистик «Правда»га издош, унинг шонли анъаналарига содиқ эканига далолат эди.

Партиямизнинг Марказий органи — «Правда» комсомол-ёшлар газетасига чин маънода мутиришш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида ҳам, Ватанимиз шон-шуҳратини юксакларга кўтарган буюк беш йилликлар даврида ҳам, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли жанггоҳларида ҳам курашнинг олдинги марраларида бўлди. «Комсомольская правда» уруш йилларида Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина, Александр Матросов, Юрий Смирнов раббийлик қилди, ўзини тутиб олишда, кўпмиллионли ўқувчилари қалбига йўл топа олишда яқиндан кўмаклашади, ғамхўрлик кўрсатди. Газетанинг юзинчи номери чиқиши муносабати билан отахон газета «Комсомолка» коллективини қизғин қутлаб, «дастлабки юз сон — якун эмас, балки илк имтиҳон» эканини, ҳали олдинда улуғвор ишлар турганини таъкидлади.

Мана 60 йилдирки, «Комсомольская правда» ёш авлоднинг жанговар комсорги вазифасини сидқидилдан, аъло даражада бажармоқда: ҳаётга актив аралашиб, ёшлар турмушидаги ҳар бир ўзгаришга акс садо бериб, Советлар мамлакати ёшларини коммунистик қурилиш жабҳаларига актив сафарбар этиб келмоқда.

Ленин васиятларига амал қилган «Комсомолка» мамлакатни социалистик индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида ҳам, Ватанимиз шон-шуҳратини юксакларга кўтарган буюк беш йилликлар даврида ҳам, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли жанггоҳларида ҳам курашнинг олдинги марраларида бўлди. «Комсомольская правда» уруш йилларида Зоя Космодемьянская, Лиза Чайкина, Александр Матросов, Юрий Смирнов безаб турибди. Булар «Комсомольская правда»нинг Ватан олдидаги, партия ва халққа хизмат қилиш борасидаги жонбозликлари эвазига берилган юксак мукофотлардир, талабчан ёшлар ва олийҳиммат халқимизнинг редакция коллективига айтган баракаллосидир.

«Комсомолка» коллективининг вагон— газеталари ва сайёр редакцияларн шонли таярнинг чиқишлари, шубҳасиз, газета сўзининг жарангдорлиги ва таъсирчанлигини оширган эди.

Чунончи, 1928 йил мобайнида В. В. Маяковский ёзган 125 шеърнинг 45 таси «Комсомольская правда» орқали биринчи бор ўқувчиларга етиб борганлиги диққатга сазовор фактдир.

Бугунги кунда «Комсомольская правда» журналистлари ўз ўқувчилари билан алоқани тобора мустаҳкамламоқдалар: улар йил давомида 50 дан ортиқ оғзаки «нашр»лар ташкил қиладилар, агитпоходлар, агитсафарлар ва агитпаровозларда қатнашадилар; уларни улкан иншоотлар бунёд бўлаётган қурилишларда, ишлаб чиқариш корхоналари ва дала шийпонларида, қарбий қисмлар ва студентлар клубида, янги Совет космик кемалари парвозга шайланаётган космодромларда ва буюк ихтиролар туғилаётган денгиз тубида учратиш мумкин. Редакция коллективи ўз ўқувчиларининг кўпдан-кўп конференцияларини ўтказиб туради, Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларида газета Кунларини ташкил қилади. Баъзи кунлари редакция ўз ўқувчиларидан бир неча минглаб хат-хабар олади.

«Комсомольская правда»нинг мамлакатимиз ичкарисидаги 40 дан ортиқ ўз мухбирлари, хорижий мамлакатлардаги 20 дан зиёд доимий мухбирлари дунёнинг энг йирик мамлакатларида, қонли урушлар алангаси бурқсиб турган қайноқ нуқталарида содир бўлаётган воқеаларни ҳозиржавоблик билан ёритмоқдалар. Газетанинг ҳар кунги саҳифасидан планетамиздаги шиддатли ҳаёт нафаси уфуриб турибди.

«Комсомолка»нинг биринчи сони 31 минг нусхада тарқалган эди. Газета ўзининг жўшқин фаолияти, даъваткор чиқишлари билан тез орада қалби қайноқ, фидокорликларга муштоқ, мардлик ва жасоратларга чанқоқ ёшларнинг меҳрини қозонди. 1925 йилнинг ўзидаёқ унинг тиражи 100 мингдан ошиб кетди. Бугунги кунда газета салкам 14 миллион нусхада тарқалмоқда, икки йилдан бери «Суҳбатдош» («Собеседник») номли ҳафталик —газета илова бўлиб чиқмоқда.

Миллион-миллион совет ёшлари ва уларнинг чет эллардаги кўп сонли тенгқурлари учун севимли ва ардоқли бўлиб қолган «Комсомольская правда» 60 ёшга тўлди. Бу — камолот ёши. Бироқ «Комсомолка» ҳамон навқирон. У бундан 60 йил аввал ҳам, бугун ҳам, бундан кейин ҳам навқирон ва жўшқин бўлиб қола беради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, чунки «Комсомольская правда» — қалби олов ёшларнинг оташзабон дарғаси ва истиқбол йўлларини нурафшон этувчи сўнмас машъаласидир.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти.



ГДР Веймар шаҳридаги немис миллий театри республикадаги энг йирик санъат коллективларидан бири ҳисобланади. Театр коллективи саҳналаштирган «Эдип» трагедиясн муваффақиятли ўйналмоқда. Румин композиторининг операсини миллий музыка мактабн раҳбари Жорже Энеску Германия Демократик Республикасида биринчи марта саҳналаштирди.

СУРАТДА: спектаклдан кўриниш.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОКШОМИ

24 МАЙ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГА ВА УЛОҚ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ва машҳур спортчилар номидаги мукофотлар учун мусобақа.

ОТЧОПАРДА ТУРЛИ КЎНГИЛОЧАР АТТРАКЦИОНЛАР ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Мусобақаларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва РСФСР колхозлари, совхозлари ва от заводларининг энг яхши отлари қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ўйналади.

Салқин ичимликлар билан савдо қилувчи буфетлар от спорти ишқибозлари хизматида бўлади.

«БЕГА» ресторанининг эшиклари кун бўйи очиқ.

Отчопарда отда сайр қилиш учун уларни прокатга олиш пункти бутун йил бўйи ишлаб турибди.

АҲОЛИДАН ТЎЙ ТАНТАНАЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РУС ТРОЙКАЛАРИГА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Отчопарга кириш бепул.

АДРЕС: Тошкент шаҳар, Халқлар дўстлиги проспекти («Собир Раҳимов» метро станцияси 153, 172, 173 178, 180-автобусларнинг «Ипподром» бекати). Телефонлар: 76-76-28, 76-75-47.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

АҲОЛИ ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ МАДАНИЯТИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ, ХИЗМАТНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДЛАРИДА УШБУ АНКЕТАНИ ҚУЙИДАГИ ФОРМА БЎЙИЧА ТЎЛДИРИБ БИЗГА ЖЎНАТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ:

Ф. И. О., уй адреси, телефон ва ЖЭК №

Сизга хизмат кўрсатаётган алоқа бўлими №

Алоқа бўлимида қандай хизмат турлари кўрсатилиши ҳақидаги зарур реклама борми? (ҳа, йўқ)

Почта конвертлари, карточкалар, открыткалар, маркалар, посилка яшиклари доим савдода мавжудми?

(ҳа, йўқ) Ишнинг бошланиши соат

да., танаффус соат дан гача., тугаши соат

.... да, дам олиш куни

Уйингиз подъездида хат ва газеталар учун почта қутилари борми, улар қулф-калитлими? (ҳа, йўқ).

Сиз 1985 йил учун қайси номдаги газеталарга ёзилгансиз?

Сиз ўз адресингизда кўрсатилаётган почта хизматидан қаноатдамисиз? (ҳа, йўқ)

Сиз ўзингиз ёзилган газеталарни куннинг қайси вақтида олишни хоҳлардингиз? Аниқ вақтни кўрсатинг

Алоқа хизматининг янги турларидан хабарингиз борми?

008 телефони орқали кредитга телеграммалар қабул қилинишиданчи (ҳа, йўқ)

Уйингизга газета ва журналларни етказиб бериш масаласида 067 телефони орқали назорат хизматига мурожаат этишингиз мумкинлигини биласизми?

(ҳа, йўқ)

Сизга почтани элтиб берувчи алоқа бўлимининг олти рақамли индексини биласизми, сиз бундан ўзингиз хат ёзишиб турган кишиларни хабардор қилганмисиз?

(ҳа, йўқ)

Сизлардан анкета саволларига жавобларингизни қуйидаги адресга жўнатишингизни сўраймиз: 700000, Тошкент шаҳри, П. 1 Май кўчаси, 7-уй. Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1985-1986 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: акушерка, умумий профилдаги ва болаларни даволаш профилактика муассасалари медицина ҳамширалари.

БИЛИМ ЮРТИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ҲОЛДА 30 ЕШГАЧА БЎЛГАН ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Умумий профилдаги ва болаларни даволаш — профилактика муассасалари медицина ҳамшираси бўлимларида ўқиш муддати 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун 2 йилу 10 ой, ўрта маълумотлилар учун 1 йилу 10 ой.

АКУШЕРКАЛИК БЎЛИМИДА ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛУ 6 ОЙ.

Қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, саломатлиги ҳақида (086/У форма) справка, иш стажига эга бўлганлар учун меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см хажмдаги 4 дона фотосурат (бош кийимсиз).

ҲУЖЖАТЛАР ТЎЛИҚСИЗ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАРДАН 1 ИЮНДАН 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — она тили (диктант), математика (оғзаки)—1 августдан 20 августгача: ўрта маълумотлилар — она тили ва адабиётдан (иншо), химия (оғзаки) — 1 августдан 21 августгача.

ЎҚУВЧИЛАР СОСТАВИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 21 АВГУСТДАН 25 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Бизнинг адрес: 700015, Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ремесленная кўчаси, 8-уй (2, 3, 4, 5, 22, 25, 18-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси», 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Тошсовет касалхонаси» бекатлари.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

«С» категориядаги 3-класс ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 5,5 ой.

Ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Курсларга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган кишилар қабул қилинади.

Курсларни тамомлагандан кейин мажбурий 2 йил ишлаб берилади.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

9-АТП қошида болалар боғча-яслиси мавжуд.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент область, Наримонов шаҳри, Лихачёв кўчаси, 2-уй (171, 183-автобусларнинг «9-автобаза» бекати).

Октябрь райпишчеторги 15. «Оқолтин» магазинининг йўқолган

ОЛТИ ҚИРРАЛИ ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Охунбобоев номли Республика медицина билим юрти томонидан **Миррахимова Раҳима Мирқобиловна** номига берилган 266365 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти томонидан **Аҳмедова Эътибор Камоловна** номига берилган 173674 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 198-ўрта мактаб томонидан **Қосимов Ҳасан Ҳайдарович** номига берилган 962753 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЖУКОВСКИЙ КЎЧАСИДАГИ ТЎҚҚИЗ ҚАВАТЛИ 63-УЙИНИНГ БИРИНЧИ ҚАВАТИДА

ЯНГИ САРТАРОШХОНА ОЧИЛДИ

Сартарошхонада аёллар, эркаклар, фен, болалар заллари; педикюр, маникюр ва косметика кабинетлари мавжуд.

Сартарошхонага 5, 17-троллейбуслар, 3-автобус билан бориш мумкин. «Юлиус Фучик музейи» бекати.



БИЗ СИЗГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ҒОЯТДА МАМНУН БЎЛАМИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ САРТАРОШЛИК ХИЗМАТИ КАБИНЕТИ.



ХОНАДОНИНГИЗ САЛҚИН БЎЛАДИ

МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРЛАР САРАТОННИНГ ЖАЗИРАМА КУНЛАРИДА ҲАМ СИЗНИНГ ХОНАДОНИНГИЗНИ САЛҚИН ВОҲАДЕК ҚИЛАДИ.

«БК-1500», «БК-2000», «БК-2500» МАИШИЙ КОНДИЦИОНЕРЛАРИ

КВАРТИРА ХОНАЛАРИДА ДОИМИЙ МЎЪТАДИЛ ИҚЛИМНИ САҚЛАГАН ҲОЛДА ҲАВО ҲАРОРАТИНИ ЎРТАЧА 10 ДАРАЖА ПАСАЙТИРИБ ТУРАДИ

БУ КОНДИЦИОНЕРЛАР ҲАР БИР ХОНАДОНГА ЎЗИГА ХОС КЎРКАМЛИК БАХШ ЭТАДИ.

ЦУМ (телефон 33-54-50).

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

офсет усулида босувчи печатник, ёрдамчи ишчилар, ремонтчи слесарлар, погрузчик ҳайдовчилари, акклиматозатор, электр монтёр, катта бухгалтер, қоровул, машинистка.

ХИМИЯ-ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИГА

қадоқловчи, бинтларни ўраб жойлаштирувчи, кавшарловчи, кузатувчи аёллар, ёрдамчи ишчилар, асбоб-ускуналар бўйича механик; асбоб-ускуналар бўйича слесарлар, слесарь-сантехниклар, юк ташувчилар, шофёрлар, электриклар, электрпайвандчилар, бўёқчилар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

электр монтёр, сантехниклар, медицина ҳамшираси, ошпаз, тикув асбоб-ускуналари бўйича механиклар, фаррошлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

кўприк ва тўрт оёқли кранларининг кранчилари, мастер, конструкторлик бюроси бошлиғи, асбоб-ускуналар ремонти бўйича механиклар, машинистка, қолипловчилар, ремонтчи-слесарлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАСИГА

аёлларнинг кўйлаклари, эркак ва аёлларнинг устки кийимлари бичиқчилари.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

кийим-бош тикувчи, фурнитураларни мустаҳкамловчи аёллар, слесарь-созловчилар, токарлар, газ-электр пайвандчилар, сантехниклар, электр пайвандчилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

ЖАЗ МУЗИКАСИ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

БИЛИМЛАР УЙИДА
(Киров кўчаси, 24-уй)
25 май соат 19.30 да
26 май соат 15.00 ва 19.30 да

КАТТА ЖАЗ КОНЦЕРТЛАРИ

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/V да **Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедованинг ижодий кечаси**, 25/V да **Гули Тошбоеванинг ижодий кечаси.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **СССР халқ артисти Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки артистларининг томошалари** (19.30).

кино

24 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» —**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Москва** (16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Нукус** (16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (16, 18.15, 20.30, телефон 33-44-52).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ» — **Тинчлик** (тоқ соатларда), **Лисунов номли** (тоқ соатларда; телефон 96-34-02).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30), телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» —**Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЕКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«АБДУЛЛА»— **С. Раҳимов номли** (16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

25 МАЙДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» —**Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 13.15, 16, 18.15, 20.30; телефон 33-44-52).

«ДАЛА ҚУРИҚЧИСИ» — **Тинчлик** (11, 14, 17, 20.00).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«БЕҒАРАЗ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **Хива** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЕКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 95-14-61).

«АБДУЛЛА» —**С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 14, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«Хизмат-беминнат» савдо фирмасининг 1-«Универсам» коллективи универсам директорининг ўринбосари Ў. Ризқиевга отаси

Ориф РИЗҚИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Ғўшт ва сут саноати министрлигининг Марказий конструкторлик лойиҳа-технология бюроси коллективи кекса ходим, Улуг Ватан уруши қатнашчиси

Сигбатулла Ибрагимович КАЗАКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент политехника институти кимё-технология факультети коллективи умумий химия кафедрасининг катта ўқитувчиси

Хайбулла ТУХТАШЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТВ

ЖУМА

24 МАЙ

● МТ I

18.05 «Қувноқ нотачалар».
18.20 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
18.50 «Сокинликка ишонма». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.55 «Дон қиссаси». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлайлик, дўстлар»:
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Ўқитувчига — музика саботи. 1-синф. 5-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 В. Кунченко куйлайди.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ўсимликлар олами».
21.30 «Время».
22.05 «Юқори проба». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Мўми-долга куз келди». Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Солдат қалби». Адабий композиция.
19.00 Стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигига. «Мусобақа— омма ижоди». (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Катталар учун мультфильм.
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот»
20.50 «Инсон ва қонун».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғалабамиз баҳори». Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган байрам кўрсатуви (9 майдаги кўрсатув такрорланади).
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.20 Кўрсатувлар программаси.
18.25 «Довюрак». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Махсус цех». Телефильм.
20.30 Рус тили— мактабгача ёшдаги болаларга. Мактабгача болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатишда оила билан олиб бориладиган ишлар.
21.00 «Кириши». Телефильм.

ШАНБА

25 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
10.05 «Африка ёзодлиги куни». Кинопрограмма.
10.50 «Африка оҳанглари». Концерт.
11.15 «Сизга манзур адабиётлар».
12.00 БССР Давлат академик халқ хорининг концерти.
12.30 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
13.05 «Инсон. Ер. Коинот».
13.50 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.20 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Ўн уч минг орол рақси» (Индонезия).
14.50 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Уч денгиз оша саёҳат». Бадиий фильм. 1-серия. «Найясансар» (Ҳиндистон) киностудияси. «Мосфильм».
17.00 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
17.30 «Ҳайвонот оламида».
18.30 «Музикали карусель». ГДРдан олиб кўрсатилади.
19.00 «9-студия».
20.00 «Ҳақиқий эркакча ҳаёт». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама.
23.45 Оғир атлетика бўйича Европа чемпионати. Польшадан олиб кўрсатилади.
00.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 «Тонгги почта». музикали кўрсатуви.
11.00 «Экологик кундалик».
11.30 «Дебют». С. Чоткараева куйлайди.
12.00 «Саёҳатчилар клуби».
13.00 Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
13.30 «Дивертисмент». Фильм-концерт премьераси.
13.55 ЛАТВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
15.20 «Ох ва Ах». Мультфильм.
15.30 «Закарпатье жилолари». Бадиий коллективлар ижро этади.
16.15 «Москва... бу сўзда қанчалар маъно...» Ҳужжатли фильм премьераси.
16.35 «Салют, фестиваль!» Ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига бағишланган ёшлар кўрсатуви.
18.20 «Ҳақиқат тўлови». Бадиий фильм.
19.45 «Стадион ҳамма учун».
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Софья Головкина». Илмий-оммабоп фильм.
22.30 «Шанба оқшомлари». МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Кинопублицист экрани».
11.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Ҳар доим бўлсин қуёш!» Адабий-музикали композиция (такрорий).
11.50 «Касаба союзлари — коммунизм мактаби». Ўзбекистон Касаба союзларининг 60 йиллигига (рус.).
12.20 «Ижод саҳифалари». М. А. Шолохов. Ёзувчи туғилган кунининг 80 йиллигига.
13.05 «Шахмат мактаби».
13.35 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).
18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Довюрак йигитлар», «Полизчи хўтик». Қўғирчоқ фильмлар.
18.30 «Инсон болаликдан бошланади» (рус.).
19.00 «Лицедей». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениелари-нинг биргаликдаги программаси. Фрунзедан олиб кўрсатилади.
23.05 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политотдел» (Тошкент области) — «Андижанка» Ёзиб олинган репортаж.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

24 МАЙ. 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12279. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.